

Аликулов Азамат Туйғунович,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ КАПИТАЛ ОЎҚИМИГА ТАЪСИРИ

УДК: 336.7

АЛИКУЛОВ А.Т. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ КАПИТАЛ ОЎҚИМИГА ТАЪСИРИ

Мақолада инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётининг моделларини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» стратегиясининг бугунги кундаги натижалари ва келажакда кутилаётган истиқболлар ва унинг капитал оқимиغا таъсири таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: либераллаштириш, капитал оқими, бюджет интизоми, инвестициявий муҳит, либерал иқтисодиёт.

АЛИКУЛОВ А.Т. ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ПОТОКИ КАПИТАЛА

В статье проанализированы результаты стратегии «Дальнейшее развитие и либерализация экономики», осуществляемой в Узбекистане посредством государственной поддержки инвестиций, анализа моделей рыночной экономики, а также ожидаемые перспективы в будущем и ее влияние на потоки капитала.

Ключевые слова: либерализация, движение капитала, бюджетная дисциплина, инвестиционный климат, либеральная экономика.

ALIKULOV A.T. LIBERALIZATION OF THE ECONOMY IN UZBEKISTAN AND ITS IMPACT ON CAPITAL FLOWS

The article analyzes the results of the strategy «Further development and liberalization of the economy» implemented in Uzbekistan through state support of investments, analysis of market economy models, as well as the expected prospects in the future and its impact on capital flows.

Keywords: liberalization, capital flow, fiscal discipline, investment climate, liberal economy.

Кириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ҳалқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакатни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз. Ислохотларни амалга ошириш учун албатта молиявий ресурсларга эҳтиёж юқори даражада ортиши табиий ҳол. Бунда нафақат ички, балки ташқи капитал ушбу ресурсларга бўлган талабни қондиришнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида зарурий капитал оқимини қай тариқа жалб қилиш муҳим вазифа бўлиб хизмат қилади ва бу ушбу **тадқиқотнинг долзарблигини** ўзида намоён этади.

Тадқиқот ишининг мақсади Ўзбекистонда капитал оқимини кучайтириш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий муаммо сифатида иқтисодиётни либераллаштиришнинг классик моделини тадқиқ этиш ва бу орқали ўзбекистон учун зарур йўналишларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий моҳияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётни либераллаштиришда капитал оқимини кучайтиришнинг классик йўналишларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методлари сифатида мақолада бозор иқтисодиётининг ўзак моделларининг ўзига хос хусусиятларини таққослаш орқали Ўзбекистон шароитида қўллаш учун натижадорликни ошириш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизнинг 5 йиллик бош режаси (2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси)да таъкидланганидек, мамлакатимиз «иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустақамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб

этиш»¹га йўналтирилган сиёсатни мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди. Албатта, бу вазифаларни бажаришда мамлакатнинг танлаган йўли, яъни иқтисодий стратегияси муҳим аҳамият касб этади.

Бозор механизмида фаолият юритаётган давлатлар иқтисодиётни амалга оширишда ёндашадиган иккита асосий ўзак модел (ижтимоий ва либерал)дан бири бўлган «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари»ни² англаб олиш учун либерал иқтисодий моделнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидан либерал иқтисодиётга ўтаётган мамлакатларда қай жиҳатларга эътибор бериш зарурлиги муҳим аҳамиятга эга. Яъни либерал иқтисодиёт бу иқтисодий эркинлик сифатида талқин қилинувчи ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувини бирмунча (ёки анчагина) камайтириш орқали амалга оширилувчи иқтисодий модель ҳисобланса-да, либерал моделга ўтаётган (иқтисодиётини социалдан либералга ўзгартираётган) давлат фақат иқтисодий соҳа билан чекланибгина қолмасдан, балки ижтимоий ва ҳуқуқий тизимлар ва тузилмаларни ҳам ислоҳ қилишга эҳтиёж сезади. Шу боисдан мамлакатимизда сўнгги икки йилда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқдаки, бу ўз-ўзидан иқтисодиётни либераллаштириш ва тартибга солиш тизимини янги кўринишга келтириш ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун муҳимдир.

Бозор иқтисодиётининг либерал моделини ижтимоий ривожланиш моделидан бир қанча фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, бунда иккала модель бир-бирига қарама-қарши (акс) тамойилни ўзида мужассам қилади. Буни аниқроқ тасаввур қилиш учун иккала моделнинг муҳим (асосий) мезонларини таққослаш зарур бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётнинг ҳар икки моделининг ҳам баъзи зарурий мезонларини ўзида намоён қилишининг классик хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, либерал моделда бюджет интизоми (ижро этиш)да бюджет дефицитининг энг минимал миқдорини ушлаб туриш орқали бўлса-да хусусий капиталда фойдалилик даражасини капитал эгаларида ўзларини қониқтирадиган миқдорларини қолдириш. Давлат фақатгина энг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

² Ўша фармон..

муҳтожларга ижтимоий трансфертларни амалга ошириши ва бюджет харажатлари фақатгина биринчи тез тиббий ёрдам, бошланғич таълим, инфратузилма, тинчликни сақлаш харажатлари каби энг муҳимларигагина йўналтирилиши лозим. Ижтимоий моделда эса бюджет доимий профицити ва бюджетдан харажатларнинг барча ёрдамга муҳтож қатламга қаратилиши, харажатлар таълимнинг барча босқичлари, тиббиёт хизматлари ва бошқа кўплаб соҳаларни молиялаштириш орқали бепул амалга оширилишини таъминлайди ва катта миқдорда бюджетни шакллантиришга зарурат сезади.

Иккинчидан, либерал моделда солиқ сиёсати солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ ставкаларини минимумга келтириш орқали амалга оширилади. Танловли имтиёзлар камайтирилади, солиқ юки (юкламаси) барчага бир хилда тушиши таъминланади. Ижтимоий моделда эса солиқ ставкалари юқори даражада бўлади ва бу шароитда баъзи йўналишларга имтиёзли ставкалар жорий этиш заруратини қўяди, бу эса солиқ юкининг тенглиги йўқолишига сабаб бўлади.

Учинчидан, либерал моделда фоиз ставкалари бозор талаби асосида белгиланади ва капитал айланмаси асосан хусусий молия институтлари зиммасига тушади, бунда давлат аралашуви камаяди. Бу орқали капитал эгалари маблағларини банкларда тўплаш самарадорлиги ошади ва маблағни бошқа соҳаларга «қочиб кетиши» (оқиб ўтиши) камаяди. Ижтимоий моделда эса фоиз ставкаларини белгилашда давлат асосий ролни бажаради ва бу орқали молия институтларининг эркин рақобатини чегаралаб қўяди.

Тўртинчидан, савдо фаолиятида либерал моделда импорт квотаси бекор қилинади ва унинг ўрнига минимал божхона тарифлари жорий этилади. Божхона тарифлари келажакда экспорт қилиш учун олиб келинган импорт маҳсулотларининг экспортда рақобатбардош бўлишини таъминлаши лозим. Бундан ташқари, бож ставкаларини тушириш орқали ички рақобатни кучайтириш ва ички ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат курашида иммунитетни кучайтириши зарур ҳисобланади. Ижтимоий моделда эса ички эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда импорт квоталари белгиланади ва ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш учун протекционизм сиёсатидан фойдаланилади.

Бешинчидан, инвестиция сиёсати либерал моделда тўғридан-тўғри хорижий инвесторларни замонавий технологиялар ва бизнесни бошқаришнинг илғор ютуқларини киритишга қизиқтириш, шу билан бирга ички ва ташқи инвесторларнинг рақобат муҳитини бирхиллаштириш заруратини қўяди. Ижтимоий моделда эса хорижий инвесторларни жалб қилишда имтиёзлар

берилиши ва давлат кафолати остида хорижий инвестициялар жалб қилиниши кузатилади.

Олтинчидан, либерал моделда давлат секторини камайтириш ва хусусий секторни кўпайтириш талаб қилинади ва бу давлат корхоналарининг самарасиз ишлаши ҳамда давлат корхоналарида коррупция ва бюракратиянинг авж олиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш зарур ҳисобланади. Ижтимоий моделда эса давлат иқтисодиётга чуқур аралашушга мажбур, шу боисдан иқтисодиётда давлат сектори асосий улушни эгаллайди.

Еттинчидан, либерал моделда хусусий мулкнинг кафолатлиниши ва ҳимоя қилиниши юқори даражада амалга оширилади. Ижтимоий моделда эса ижтимоий ҳимоя ва давлат эҳтиёжлари хусусий мулкдан бир поғона юқорироқ туриши мумкин.

Албатта, юқоридагилар классик моделларга хос хусусиятлар ҳисобланади, аммо ҳозирда давлатлар иқтисодиётининг ривожланиш моделини танлар экан, албатта ушбу икки моделдан айнан бирини эмас, балки ўзига хос ва мос келадиган жиҳатларни танлаб олади. Шу билан бирга ўша давлат иккала моделдан бирига кўпроқ таянади ва бу унинг қайси модель устувор бўлишига қараб ривожланиш йўлини белгилаб беради.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ биринчи президентимиз И.А.Каримов томонидан асос солинган ривожланишнинг «ўзбек модели»да белгилаб берилган беш тамойилнинг тўртинчиси – «Кучли ижтимоий сиёсат юритиш»¹ бегилаб қўйилганлиги Ўзбекистон бозор иқтисодиётининг социал (ижтимоий) моделига таянган ҳолда фаолият юритганлигига гувоҳлик беради. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон бозор иқтисодиётининг либерал моделига ўтиши мамлакатимиз ривожланишининг кейинги асосий стратегик йўналишини белгилаб берди.

Ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг либераллашуви Ўзбекистондаги капитал оқимига тўғридан-тўғри таъсир кўрасатади, бунга яққол мисол сифатида 1-жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз.

Жадвал маълумотларининг айнан ушбу даврнинг танланишига асосий сабаби, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг капитал оқимига таъсирини баҳолаш имконини беришидир. Чунки мамлакатимизда 2017 йилдан иқтисодиёт либераллашувининг кучайиши ва ундан олдинги ва кейинги даврдаги инвестицион фаолликнинг ўзгариши статистик маълумотларни айнан шу давр (2016 ва 2018 йил-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1993. - 114 -б.

1-жадвал. 2016-2018 йилларда асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши.

	2016 ¹		2018 ²		2016-2018 йиллардаги фарқ %да
	млрд. сўмда	жамига нисбатан %да	млрд. сўмда	жамига нисбатан %да	
Асосий капиталга инвестициялар	49 476,8	100	107333,0	100	217
Шу жумладан:					
Марказлашган инвестициялар	8298,3	17	34448,4	32	415
Бюджет маблағлари	2210,9	27	4124,1	12	187
Давлат мақсадли жамғармалари	2340,3	28	5468,7	16	234
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	311,3	4	271,2	1	0,87
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	2338,2	28	7894,8	23	338
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	1097,6	13	16689,6	48	1520
Марказлашмаган инвестициялар	41 178,5	83	72884,6	68	177
Корхона ва аҳоли маблағлари	26 355,0	64	42190,7	58	160
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	10 829,2	26	14660,4	20	135
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	3 994,3	10	16033,5	22	315

лар)да ўзаро солиштириш орқали капитал оқимини таҳлил қилиш бирламчи хулосаларга эга бўлиш имкониятини беради.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилга нисбатан 2018 йилда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2 баробардан ортиққа ошган, бу эса мамлакатимизда инвестицион фаолликнинг ошганлигига гувоҳлик беради ва ушбу ҳолат иқтисодийнинг либераллашувига хос хусусият ҳисобланади. Аммо инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича икки даврни солиштирадиган бўлсак, аслида ушбу юқори ўсиш тенденцияси асосан давлатнинг инвестицион фаоллиги ҳисобидан амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин, яъни 2016 йилга нисбатан 2018 йилда марказлашган ва марказлашмаган молиялаштириш манбалари бўйича жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, юқори ўсиш тенденцияси марказлашган молиялаштириш орқали амалга оширилганлигининг ёки 4 баробардан ошиқлигининг, марказлашмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириш эса 1,77 баробар ўсиш суратига эга бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Аслида мамлакатда инвестицион фаолликнинг марказлашмаган

манбалардан 1,77 баробар ўсиши ҳам хусусий инвестицион фаолликка ижобий баҳо беришга сабаб бўла олса-да, бу ўсиш тенденциясининг «тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари» ҳиссасининг, яъни 3 баробардан ортиқ ўсиши ҳисобига эришилганлиги ҳозирги вазиятда тижорат банкларида давлатнинг улуши юқорилигини ҳисобга олган ҳолда яна давлатнинг инвестицион фаоллиги ҳисобига эришилганлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Аслида юқори ўсиш тенденцияларига асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига эришсак, мамлакатимиз иқтисодийга янги «соф»³ капитал оқимининг ўсишига таъсир кўрсатган бўлар эдик, назаримизда.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни келтирамиз. «Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш кечаётган бир чоғда, нега капитал оқимини давлат томонидан оширишга кучли таъсир сезилмоқда?» деган ҳақли савол пайдо бўлади, аслида либерал иқтисодийда асосан хусусий секторнинг инвестицион фаоллиги ошиши зарур эмасми-ди? Шу боисдан эътибор қаратаётганимиз инвестицион фаолликда давлат улушининг ортгани бу,

¹ <https://stat.uz/uz/statinfo/investitsiyalar-va-qurilish/tahlillar-invest/432-analiticheskie-materialy-uz/2030-asosiy-kapitalga-investitsiyalar>

² <https://stat.uz/uploads/docs/invest-yan-dek-2018-uz.pdf>

³ Изоҳ. «Соф» капитал деганда ички иқтисодийда мавжуд бўлмаган капиталнинг кириб келиши назарда тутилмоқда. Чунки бошқа капитал оқимлари мамлакатда мавжуд ёки қўшимча эмиссия ҳисобидан йўналтирилади.

албатта, либерал иқтисодиётга ўтаётган давлатда ислохотлар жадаллик билан амалга ошиши, ўтиш даврини максимал қисқартириш мақсадида ва хорижий ҳамкорлар (капитал оқимига қўшилган ва кузатаётганлар)ни мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқишини кучайтириш ва ижобий инвестицион муҳитнинг давлат томонидан кафолатланиши сифатида ҳам эътироф этишимиз мумкин. Бу, албатта, келажакда капитал оқимининг ошиши ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

Мамлакатимизда капитал оқимини кучайтириш ва иқтисодиётни либераллаштиришни жадаллаштиришни амалга оширишда юқоридаги таҳлилларимиздан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Биринчидан, иқтисодиётда давлат улушини имкон қадар камайтириш.

Иккинчидан, инвесторлар учун бир хил инвестицион муҳитни ташкил этиш, яъни танловли имтиёзлардан воз кечиш.

Учинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун амалга ошириладиган протекционизм сиёсатидан воз кечиш.

Тўртинчидан, капитал оқимини оширишда монополизмга барҳам бериш.

Бешинчидан, рақобатни жадаллаштириш ва ички ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион фаоллиги ва иммунитетини ошириш учун божхона божларини пасайтириш.

Юқоридаги таклифларни амалга ошириш орқали инвестицияларни жалб қилишда инвесторларга (наф келтирувчи) имконият ва шароитларни яратиш, ўз капиталини иқтисодиётимизга йўналтиришларига мотивация уйғотсагина, иқтисодиётимизда хусусий капитал оқими ошиши муқаррардир, акс ҳолда иқтисодиёт лоббистлар ва монополистлар қуршовида қолиб, катта йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки либерал иқтисодиёт ўз номи билан уни эркинлаштиришни талаб қилади. Ўйлаймизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётимизнинг тез суръатларда ривожланишини таъминлаб, халқимиз турмуш фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1993. -114-б.
3. Steven Kates. Free Market Economics: An Introduction for the General. Reader Edward Elgar Pub. 2011 y.
4. Величко М.В., Ефимова В.А., Зазнобина В.М. Экономика инновационного развития. Управленческие основы экономической теории. Монография. - Издательство «Директ-Медиа», 2015. -С. 34-35.
5. Kathleen G. Donohue (2005). Freedom from Want: American Liberalism and the Idea of the Consumer. Johns Hopkins University Press. p. 2.
6. Eric Aaron, What's Right? (Dural, Australia: Rosenberg Publishing, 2003), 75.
7. <https://stat.uz/uz/ochiq-ma'lumotlar/umumiy-ma-lumotlar/432-analiticheskie-materialy-uz/3850-asosiy-kapitalga-investitsiyalar1>
8. <https://stat.uz/uz/ochiq-ma'lumotlar/umumiy-ma-lumotlar/432-analiticheskie-materialy-uz/3850-asosiy-kapitalga-investitsiyalar1>
9. https://en.wikipedia.org/wiki/Economic_liberalism
10. https://en.wikipedia.org/wiki/Criticism_of_socialism